

ХАЛҚ СЎЗИ




1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

2 март, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 44 (1046)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. Р. НУРИТДИНОВ тасвири.

1 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Эрон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Маҳмуд Воизийни қабул қилди. Ислам Каримов меҳмонларни муқаддас Рамазон ойи ва Ийд ал-Фитр байрами билан табриклар

экан, Ўзбекистон ҳукумати Эрон Ислам Республикаси билан дўстона муносабатларни янада мустақимлаш ниятида эканини айтди. Бу минг йиллар давомида таркиб топган ўзаро маданий алоқаларга эга халқларимиз манфаати учун хизмат қилишини таъкидлади. (ЎзА).


Маҳмуд Воизий самимий қабул учун миннатдорлик изҳор қилди. У Эрон Ислам Республикаси Ўзбекистон билан турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга тайёр эканини айтди.

Сўхбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Эрон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпойгоний ҳозир бўлди. (ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



СУРАТДА: ишонч ёрлиғи топшириш пайти. Р. НУРИТДИНОВ тасвири.

1 март куни Молдова Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси эғиб тайинланган Николай Дудзу республикамиз Президенти

Ислам Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи ишонч ёрлиғини топширар экан, Молдова Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик

алоқалари узоқ тарихга эга эканлигини таъкидлади. Ушбу алоқаларни бундан кейин ҳам ривожлантиришга бор куч-ғайратини сарфлашини айтди.

Ислам Каримов Николай Дудзуни масъулияти ва шарафли лавозимга тайинлангани билан қўлаб, унинг икки мамлакат ҳамкорлиги йўлида самарали фаолият кўрсатишига ишонч билдирди. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия алоқаларининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон ва Молдова Республикалари ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликка кенг йўл очиб беришини таъкидлади. (ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Молдова Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва Мухтор элчиси жаноб Николай Дудзу

1945 йилда туғилган, олий маълумотли, 1975 йилда Кишинев политехника институтини битирган.

1963-64 йилларда Кишинев трактор заводида чилангар бўлиб ишлаган.

1964-67 йилларда армияда хизмат қилган.

1968-76 йилларда Кишинев трактор заводида чилангар, техник-технолог, муҳандис, катта муҳандис-технолог, партия қўмитаси котибининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

1976-80 йилларда туман партия қўмитаси бўлимининг муdiri, Молдавия Компартияси Марказий



қўмитасининг инструктори лавозимларида ишлаган.

1980-82 йилларда Москвадаги олий партия мактабида ўқиган.

1982-88 йилларда туман партия қўмитасининг иккинчи, сўнгра биринчи котиби, Молдавия Компартияси Марказий қўмитаси

нинг бўлиму муdiri бўлган. 1988-90 йилларда Молдавия давлат план қўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

1990-91 йилларда Молдавия Компартияси Кишинев шаҳар қўмитасининг биринчи котиби бўлган.

1991-93 йилларда халқаро хайрия жамиятининг ижрочи директору лавозимида ишлаган.

1993-94 йилларда Молдова Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасининг маслаҳатчи-вазир бўлган.

1994 йил ноябрдан бошлаб Молдова Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси.

Уйланган, қизи бор. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири матбуот шўбаси.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий қўтловларини йўллаш менга мамнуният бағишлайди. Сизга бахт-саодат, мамлакатингизнинг қардош халқига муттасил раванқ тилайман.

Сизга зўр эътибор ва ҳурмат билан, Зайд ибн Султон ол НАХАЙАН, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларини самимий қўтлашдан мамнунман. Сизга сўхбат-саломатлик, мамлакатингизнинг қардош халқига фаровонлик ва раванқ тилайман.

Мақтум ибн Рашид ол Мақтум, Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти ва бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сизга самимий табрикларини йўллаш менга мамнуният бағишлайди. Сизга мустақим саломатлик, мамлакатингизнинг қардош халқига фаровонлик ва раванқ тилайман.

Султон ибн Зайд ол Нахайан, Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий табриклар ва чин қалбимдан сизнинг саломлар йўллаш менга улкан мамнуният бағишлайди. Сизга энг яхши истакларини йўллаш менга мамлакатингиз халқига раванқ тилайман. Шу муқаддас кунларда қодир Оллоҳдан мусулмон оламга яқинлик ва мустақим бирдамлик келтиришни илтижо қиламиз.

Жаноби олийлари Сизга зўр эҳтиром билан,

Саад ал Абдулла ас-Салим ас-Сабоо, Валиҳд ва Кувейт давлати Бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Шаҳсан ўз номимдан ва Иордания Ҳошимийлар подшолиги халқи ва унинг ҳукумати номидан муқаддас Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан, жаноби олийлари, Сизга зўр мамнуният ила самимий қардошлик табрикларини ва эзгу истакларини йўллайман.

Шунингдек, Сизга мустақим саломатлик ва бахт-саодат, қардош мамлакатингиз халқига тинчлик ва раванқ тилашимни маълум қилишни истар эдим.

ХУСАЙН, Иордания Ҳошимийлар давлатининг подшоиси.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясида «Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» тўғрисидаги маърузаси ҳамда шу йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Референдуми ўтказилиши муносабати билан ХДП ташкилотлари олдига турган вазифалар муҳокама этилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов шу ҳақда гапирди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. (ЎзА).

СИЁСИЙ КЕНГАШ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон «Алолат» социал-демократик партияси сиёсий Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда Президент Ислам Каримовнинг республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» тўғрисида қилган маърузаси, шунингдек, 1995 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Референдуми ўтказилиши муносабати билан партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама этилди. Бу ҳақда «Алолат» социал-демократик партияси сиёсий Кенгашининг биринчи котиби А. Жўрабоевнинг маърузаси тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди. (ЎзА).

УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ — ХАЛҚ-ХОҲИШ ИРОДАСИ

Яқинда ўз ишчи яқинлаган Олий Мажлисининг биринчи сессияси республикамиз иқтисодий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Унда мустақимлик шартларида бўлиб ўтган демократик сайлов натижасида вужудга келган парламентимиз ташаббуси билан республика Президентининг ваколатини 1997 йилдан то 2000 йилга қадар узайтириш учун шу йил 26 мартда умумхалқ Референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Шуни очик айтиш керакки, ушбу қарор халқимизнинг хоҳиш-иродаси бўлиб янгради. Зеро, уттан қисқа муддат мобайнида республикамизда Президентининг бошчилигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқимиз тарихи, маънавиятини тиклаш борасида бир қатор тадбирлар рўбга чиқарилди. Биринчи сессияда эса, Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари белгилаб олинди. Оқимизда турган ана шу муҳим дастурни ишончага етказиб, уни унда-жўлда қўлиб кетмаслигининг олдини олиш ўз Ватанимиз севдиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Шу бонс ҳам ҳозир республикамизнинг кор-

ғи кундаги иқтисодий қийинчиликларга қараман, у тула қувват билан ишламоқда. Ишчи-хизматчилар иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ҳимоя қилинмоқда. Сузга чиққанлар буларнинг ҳаммасида шаҳсан Президентимизнинг ҳиссаси катта эканлигини таъкидлашлар, ўзларига кўрсатилган ғамхўрлик учун миннатдорчилик изҳор қилдилар. Президент ваколатини узайтириш ҳақидаги қарорини тў-

ла маълумладилар. Ингиллиз сўнгидаги комбинат ишчи-хизматчиларининг республикамиз аҳолисига мурожаатномаси қабул қилинди. Биз Ингиллиз қатнашчиларининг айтишлари билан учрашиб, уларнинг референдум ҳақидаги дил сўзларини эътибор олдик. Дилбар ҚУЛМАТОВА, биринчи туқум фабрикасининг туқумчиси: — Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисининг 1 сессияси халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлиб қолади. Айниқса, унда Президент ваколатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган кўнглимиздаги гап бўлди. Сабаби — қонунчилик, суд ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг вақт жиҳатдан мутаносиблиги биз, сайловчиларнинг айтиш шу даврданг оғ ва кайфиятимизга ҳам тула жавоб беради,

мамлакатимиздаги сиёсий-иқтисодий барқарорликни, республикамиз мустақилигини мустақамлашга хизмат қилади.

Олим ГУЛМУРОДОВ, 2-ингирув-туқум фабрикасининг ишчиси:

— Назаримизда, янги парламентимизнинг илк фаолияти хайри бўлади. Гарчида сессия кўпроқ ташкилий руҳда ўтган бўлсада, у бизга яхши таъсирот қолдири. Хусусан, Президентимизнинг сессияда сузлаган нутқи, бир томондан, босиб ўтган шонли йўлимизнинг асосий ҳиссасидек жарангласа, иккинчи томондан, эртанги кун учун ўли даъватдек янгради.

Бу анжуманининг яна бир муҳим жиҳати шуки, унда Президент ваколатини узайтириш юзасидан референдум ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу халқимиз томонидан злик кўтиб олинди. Негаки, ўтиш даври, иқтисодий ўзгаришлар жарангидида шундай йўл тутилиши эл-юрт ишончига сазовор бўлган барча кишиларни ўз вазифаларига вафо қилиб, зиммаларидаги мажбуриятларини амалга ошириш учун астойдил ишлаган, изланишга даяват этди.

Ў. ҒОЙИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири, Ш. ИБРОҲИМОВ тасвири.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

Байрам Шарафига
Яқинлашиб келаётган Наврўз байрами арафасида Тошкентда ободонлаштириш ишлари қизғин тус олади.

Мустақиллик майдони, Ўзбекистон Миллий боғи ва бошқа хиёбонларда таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Пойтахтнинг Абай ва Ўзбекистон кўчалари кесишган жойда эса янги боғ бунёд этилаётир.

Шунингдек, шаҳарда шойли саналарни муносиб кўтиб олиш мақсадида ободонлаштириш, кўкалмзорлаштириш ва озодлик ойлиги ўтказилди. Кўча ва хиёбонларга қарий 50 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 130 минг туп терак ҳамда 100 минг тупдан зиёд турли гуллар экилади.

ҲОСИЛОТ БАМАСЛАХАТ ИШЛАЙДИ

Жомбой туманидаги «Зарафшон» жамоа ҳўжалиғи бош агрономи Норбой Абдулаҳатов ҳамиша сергак. У ер қизий бошлаши билан қайси экинларни экишни жамоманин тажрибали деҳқонлари билан бамаслаҳат бажаради.



СУРАТДА: Н. Абдулаҳатов.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ

Нукусдаги Эшон Қўспўлатов номлидаги санъат мактабидида биринчи марта ёш мусиқа ижрочиларининг кўрик-танлови бўлди.

Қорақалпоғистон мусиқа мактабларидан 60 нафар иқтидорли талаба қатнашиб, ўзбек қорақалпоқ, қозоқ ва жаҳон халқлари мусиқаларидан намуналар ижро этди. Танлов якунига қўра, ёш чолвуқлар — Нукуслик Алишер Ембергенов, Дусбергенов Рўйсали, Бахит Жақсимуродов биринчи ўринни эгаллади.

ЯНА БИР ИМТИЁЗ

Сирдарё вилоят кинолаштириш ва кино ижара бошқармаси Ғалаба-нинг 50 йиллиги арафасида уруш қатнашчиларига яна бир имтиёз яратди.

Энди улар бошқармага қарашли кинотеатрларга бепул киридилар.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ



Избаскардаги Пойтуғ ширкатлар уюшмаси механизаторлари Мамасоли Қодиров 10 йилдан буюн далада меҳнат қилади. Обҳаво инжиқликлари унга инсандмас. Шу кунларда у тракторини мавсумга тахт қилиб қўйди. Ҳадемай шудгор суви-га пол олишга киришади.

СУРАТДА: механизатор Мамасоли Қодиров.

ТЕХНИКАДАН БАРАКА ТОПМОҚДА

«Ўзқишхўста» миноттағмир давлат кооператив қўмитаси қишлоқ ҳўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмлар кўргазмасини ташкил қилди.

Агросаноат мажмуида иқтисодий ислохотларни тула рўбга чиқаришни замонавий техникаси тасавур қилиб бўлмайди. Шу мақсадда қўмитага қарашли таъмирлаш корхоналарида 1800 турдаги янги эҳтиёт қисмлар яратилди. 110 хилдаги деталларни ишлаб чиқариш технологиясини ўлаштирилди. Андижон, Фарғона, Самарқанд вилоятларидида таъмирлаш корхоналарида ишлаб чиқарилган техника ва ускуналарни деҳқон ҳўжаликлари харид қилиб барака топмоқда.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР

Долзарб маэву

Бу — куюнчак олим, биология фанлари номзоиди Озод Хасановнинг гапи. «Уйлаб гапирсанг ҳам уйлаб гапир- десанларидек, Зайцев номидаги гўза селекцияси ва уруғчи- лиси институтининг лаборатория мудирини бундай жиддий фикрини шунчалки айтмайди, албатта.

ни оширади. Чунки, беда биринчи йили тупроқнинг 40 сантиметргача тулган қатла- мида 94,8 центнер илди ва ер бетига 51,4 центнер ҳас- чўп (яни чиринди), иккин- чи йили эса 137,4 центнер илди ва 63,1 центнер чиринди ҳосил қилади. Иккин- чи йиллик бедапояннинг ту- проқ таркиби 1,5-2 барабар яхшиланади. Бузиб, ўрнига пахта экилганда ҳосилдорли- ги 3-4 центнер ошади. Бун- дан ташқари вилта деярли чалинмайди.

лимоқда. Маълумки, бун- дай бедазорлар икки йил- даёқ, яъни янгиликдаёқ сиёрақлашиб кетиб, бузиб ташланган бошқа чора қол- маяпти. Одатда, бедазорлар пойноб (оқва) чиқадиган томонидан сиёрақлашиб бошлайди. Бу бедави сувни ёппа бостириб суғориш оқи- батидир. Маълумки, бедави поёси найсимон бўлиб, ичига сув тушса, экиннинг илдизи чиришига олиб ке- лади. Шу боис бедави ўрши- дан бир hafta-ун кун илга- ри суғориб, кейин ўроқ сол- ган маъқул. Шунда ернинг номи қочмасдан курткалар кўкариб олади. Бизда эса ҳафсаласизлик шу даражага етганки, ўроқ кетилган сув бостириш олат тусига кириб қолган. Бунинг устига КИР- 1,5 мосламаси беда поёсини шартта кесмай, асосан юлиб олади ва кўкаридан кур- такли қисми ҳам хашакка кў- шилиб кетиб, кейинги ўрми- га кеч этилади.

БЕДАСИ КЎКАРМАГАНИНГ МОЛИ КЎПАЙМАЙДИ

Чорванинг ош-нони бўлмиш беда экинига муносабатимизни тубдан ўзгартирмас эканмиз гўшт ва сўт маҳсулотлари билан ўзимизни ўзимиз таъминлашимиз ҳақидаги гап қуруқ сафсата бўлиб қолаверади

қачон қиммат бўлган?.. Олим рост гапни айтди. Бозор бозор-да, нима кам бўлса, ўшанинг нархи осмон- га чикади. Раҳбару мутахас- сислар беданинг озуқа экин- лари қаторидаги ўзига хос алоҳида ўрнини, алмашлаб экишдаги салмоғини ва айниқса, гўзанинг бу бора- даги тенги йўқ йўлдоши эканлигини унутқодалар. Беда пичанида 12-16 фойз оқсил ва бошқа моддалар, турли ҳил витаминлар бор. Барг ва гуллари тўқилмас- дан ўриб олинган бир кило беда пичани озуқа бирлиги га айлангириса 0,75 фойзга тенг бўлади. Бу беданинг озу- қа сифатидаги қуввати су- лиликидан бироз кам дегани- дир. Бундан ташқари бир кило беда пичанида 35-38 грамм протеин мажуд. Бу модда мол организмда ине- рт товлар, масалан, тери, жун, креатин, пай ва боғ- ловчи тўқима ҳосил бўлиши- да муҳим восита вазифаси- ни ўтади.

Олимларнинг ҳисоб-ки- тоблирига қараганда, бу озу- қа экинни тупроқнинг тарки- бини тозалаб, унумдорлиги- ниш ишлари ҳам ўлда-жўла- да этибди, — дейди О. Хасанов куюниб. — Қаранг, Зайцев номи институтда бе- да селекцияси билан бор-йў- ги икки илмий ходим ва бир кичик лаборант шугуллана- ди, холос. Бу лабораторияда яратилганда янги навлар- нинг касалик ва зарарку- нанда ҳашаротларга чидам- лилигини ўрганганидан мута- хассислар эса умуман йўқ. Лабораториянинг аҳоли ҳам ночор — зарур асбоб-уску- налар билан таъминланма- ган. Шу сабабли янги, сер- ҳосил навларнинг яратили- шини узоқ йиллар қўтишга тўғри келяпти. Холбуки, та- раққий этган мамлакатларда азотобактер генлари бедага сунъий йўллар билан ўткази- либ, ҳаводан азот молда- сини синтез қиладиган янги навлари яратилмоқда. Рес- публикада эса бу соҳада ҳеч қандай илмий иш олиб борилаётгани йўқ.

Олимнинг таъкидлашича, ота-бобларимиз икки ярим минг(!) йилдан бери беда экиб келишар экан, демак, бу ноёб озуқа экинни ортқиқа таъриф ва ташвиқотга муҳ- тешиклан 20 тача беда уруғи тушиб қолади. Шундай экан галла қолбайни билан ўрил- ган беда уруғининг асосий қисми оморга келиб туш- май, бедазорларда тўқилиб- сочилиб қўлиб кетади-да.

Бизда беда уруғини сепал- диган махсус мосламалар йўқлиги сабабли дон ва сав- зовот экинларига мўлжаллаб яратилган сеялкалардан фойдаланишга тўғри келади. Оқибатда уруғ белгиланган чучуриликка тушмайди ва ан- चा сиёрак униб чиқади. Кўрииб турибдики, беда- ни чорвачиликнинг асосий озуқа манбага айлантириш учун пойсини сифатли ўра- диган, уруғликни йиғишти- риб оладиган ҳамда сепали- ган махсус мослама ва меха- низмлар яратиш зарур. Бунинг учун республикада ну- фили илмий-тадқиқот ин- ститутлари бор. САИМЭ ҳар- барлари, олимлари ва мута- хассисларнинг бевосита ва- зифалари эмасми бу? Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалик академиясининг ташкил этилганига анча бўлди. Мух- тарам академикларимиз ҳам бу масалага жиддийроқ қа- раб, бироз жон куйдирсалар ёмон бўлмас эди.

А. ЙЎЛДОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Маҳмуджон Ибев Булоқбоши туманида яшайди. Касби журналист. Туман аҳолиси унинг қаламига мансуб қизиқарли мақола, репортаж, очеркларни озиқиб кўтшади. Чунки у кўпроқ долзарб маэвуларни кўта- риб, ислохотларни амалга оширишга тўс- қилик қилаётган масалаларни ечишга ҳар- ракат қилади. Айни кунда уни кўпчилик жур- налист-фермер дейишади. Унинг фермер ҳў- жалиги мўй-кўй чорва махсулоти етишти- ритиб юрт форовонлиги йўлиди меҳнат қи- лайпти.

ЧИГИТНИ ҲАМ САРАЛАЙДИ, ҲАМ ДОРИЛАЙДИ

ШҮРЧИ пахта тозалаш заводида суткасига 75 тонна тола ишлаб чиқа- римокда. Тўқимачилик саноатининг бебахо хом ашёси ҳисобланган маз- кур махсулотлар хориж- лик харидорлар эътибо- рини тобора ўзига тор- таётганлиги ҳам жамоа меҳнатқашларида ишчан- лик қайфиятини ҳосил қилаётган бўлса ажаб эмас...

Ҳозирги кунда завод Япония, Хитой, Жанубий Корея, Пошша каби бир қанча мамлакатлар билан савдо-сотик қилишни йўлга қўйган. Қувончи- си шундаки, бу олди-бер- ди корхонага қатта фойда келтирапти. Хусусан, ишлаб чиқариш қуввати ортди, чет элнинг замо- навий асбоб-ускуналари билан таъминланмоқда.

БЯЗИДА ЎРНАТИЛГАН АНА ШУНДАЙ ЯНГИ МОСЛАМАЛАР

дан бири бир кунда 1 ми- нг 200 тонна чигитни са- ралаб, дорилаб, уруғлик- ка тайёрлаб бериш қувва- тига эга экан.

ЕР СИЙЛАГАНИ СИЙЛАЙДИ

ЧИРОҚЧИ Қашқадарё вилоятининг галлачилик- ка ихтисослашган энг йи- рик туманларидан бири. Ўтган йили чироқчи- ликлар 93 минг тонна гал- ла ҳосили олиб, шундан 52 минг тоннасини дав- латга сотишган эди. Бу йил эса улар жами ҳосил- ни 120 минг тоннага ет- каси истадида астойдил меҳнат қилишмоқда. Ҳозирча қарийб 15 минг гектар ердаги майса за- рур ўғитлар билан озиқ- лантирилди.

УРУҒДА ГАП КЎП НАМАНГАН ТУМАНИДАГИ ОХУНБОБОВ НОМИ

«Ғайрат», «Гулистон» жа- моа ҳўжаликлари синов тариқасида буттур гол- ланд картошқаси уруғини ерга қадашган эди. Ҳар қайси ҳўжалик жамоаси гектаридан 250 центнер- дан ҳосил кўтаришди. Энди голланд картош- қаси ҳадисини олган деҳ- қонлар жорий йилда 100 гектар майдонга ҳам эр- таги, ҳам кечки қилиб экиш учун энг сара уруғ- ликлардан жамлаб қўйи- шибли. Кўнини берса, шу кеча-кундузда эртанги картошқа уруғлари ерга қалади.

Ўқтам ДҮСТӨР, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ БАНКИ



THE JOINT-STOCK COMMERCIAL AGROINDUSTRIAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ПУЛ ДАРОМАД КЕЛТИРИШИ КЕ- РАК! Саккиз миладан ортқи муассис ва ҳис- довлар ўз маблағларини Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат деҳқончилик саноати банкида сакламоқ- далар. Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш — Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири. Республика Президенти Ислам Каримов таъкидлагани- дек: "... яхшироқ яшашни истасак, қишлоқ ҳўжалигида, иқтисодий ислохот- ларни қишлоқ ҳаётида бошлашимиз ке- рак".

Қишлоқдаги янгиликларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик саноати банкининг ҳисса- си қатта. Тез орада ёпиқ турдаги акци- онерлик жамияти доирасидан ўсиб ўлгай- ган бу банк бутунги кунда республика ҳудудидаги тижорат банкларнинг маъ- шалига айланди. У қимматбахо қозғалар бозорининг фойдаланувчиларидан бирдир. Ўтган йил мубайнида низоом жамағатининг микдори олти барабар қўйилди, 1995 йилининг 1 февралига қалдар эса микдо- ри 187 млн. сўмдан ортқини ташкил этади.

«Ўздексонаноатбанк», биринчи на- рвада та қисқа муддат ичида агросано- ат мажмуасини кредит ҳамда молиявий таъминотига оид масалаларни ечишга қодир бўлиб олди, инвестиция ҳаракати иштирокчиларининг ўзаро тўловларини ўтказиш учун сарфланган мугулат- ни мумкин қалдар қилдиришга эриш- ти. Кичик ва ўрта бизнес ривожлани- шини тешлаштириш, уларнинг янги ти- зим ҳайта қурилишини қўллаб қўллана- ётган сарф-ҳаражатлар молия-кредит сибасигада янги нуктаи назарни ҳисоб- га олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ўтган йили банк кредитларидан фойда- ланиб 40дан ортқи ишоотлар қурилди ва ишга туширилди, улардан 15таси пахта ва мева-савзавот қайта ишлаб чиқариш корхоналаридир. Қорақалпоғистондаги Эдик-қалъа туманида «Элтекс» текстил мажмуаси турк фирмаси «Язекс Ич Дин Тижарет А.С.» билан ҳамкорликда қурилиб 1994 йил ноябр ойда ишга туширилди. Банк бу қурилиш учун 33 млн. сўм ажратган эди. Ва шу билан бирга нафақат бозор- ни текстыл моллари билан қондирши мас- саласи, балки аҳолини иш билан таъ- минлаш муаммоларини ҳам анчагина ҳал этади. Натijaда бу мажмуада миладан ортқи киши ишламоқда. Мажмуа

лойдихада белгиланган иш қувватига эришганида бу ерга яна худди шунча ишчи-ҳизматчилар қабул қилинади. Қоравулбозордаги /Бухоро вилояти/ банк маблаглари ҳам «ишлаб» бошлади. Бу ерда пахтани қайта ишлаш бўйича қуввати йилига 5 миладан пахта то- ласини чиқаришга мўлжалланган жин- динтер цехи очилган. Гагарин шаҳрида- ги /Жиззах вилояти/ «Береке» тармок- лараро бирлашмасининг консерва заво- ди, Фаргона вилоятидаги «Қвар» ишлаб чиқариш бир- лашмасининг гишт заводи қанчалар аҳолига ўз махсулотларини етказиб бе- риб турибди. Самарқанд ва Тошкент вило- ятидаги «Сандвиг» узум қу- ритиш линия- ларини ишга со- линди /ҳар бирининг қуввати: бир соат- да 3 тоннагача майис тайёрлайди/. Бу линияларни қуриш учун банк 248,6 миладан сўм кредит ажратди.

Пахта ва дон етиштириш бўйича ла- стурларининг амалга ошириш ахамияти- ни на зарда тутиб қарз-қалполага ажра- тилган маблагларнинг 86 фойзи мазкур экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга сарф қилинди. Аҳолининг озик-овқат махсулотига бўлган эҳтиёжини тўла қондирши мақ- садада банк тизими қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш учун ўзининг сеуда ва имтиёзларини тақдир қилади. Ишлаб чиқарилган миллий махсулотни- нинг қишлоқ ҳўжалигига бир қисми тўғ- ри қилини ҳисобга олиб (43 фойз) Ўтган йили қайта ташкил этилган банк муассасаларини ривожлантириш учун 7,5 млрд. сўмдан ортқи кредит ажратил- ган. Ҳозирги кунда банк икки миладан зиёд турли хил ишоотларнинг қурили- шини қаптал маблаглар билан таъмин- ламокда. Бу йилининг биринчи чоратида Қарши шаҳрида етти миллионга яқин эр- қарлар ва аёллар учун бўлука тикиб чиқариладиган текстыл мажмуаси ишга ту- ширилиши режалаштирилган. Банк кре- дитлари ҳисобидан Қува шаҳрида 12 млн. қўйлақ ва 5 миллионга яқин спорт қийими, Гуралида — 8 млн. донда трико-

таж буюмлар ва йилига 2,7 миладан тонна қалва ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуалар қурилиши олиб бориляпти. «Ўздексонаноатбанк» ўз кредит ма- бағларини, асосан, ишлаб чиқариш об- ъектлари қуришга /90,2 млн. сўм/, ҳара- қатдаги корхоналарни қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техника билан қайта қурулантиришга /10,3 млн. сўм/, сме- таларга киритилмаган қурилушлар учун техника, асбоб-ускуна ва транспорт вос- ита л а р и н и сотиб олиш /1,5 млн. сўм/ каби йўнал- т и л а р г а қаратади. Шу билан бирга банк ўз қап- тал маблағлар- ини ишга тушириладиган объектларга сарф- лашни қўлда т у т а д и. «Т о ш п о л и- меркурилийматериаллари» ишлаб чиқ- ариш бирлашмасининг сантехник буюм- лар цехи шулар жумласидандир.

«Ўздексонаноатбанк» билан бўлган ўзаро муносабатларимиз яхши ва мустваккам, биз бу банкка ишонамиз, — дейди бирлашма директори Оскар Вей- гун. — Банк бизга кредит берганидан сўнг ундан фойдаланишни ҳам назорат қилади ва бу чора ўз самарасини бе- ради, бизнинг ижроқилик тартиб-инти- зимини юксалтиради. Қурилуш бош- ланганида бизга саккиз млн. сўм кредит ажратилган эди. Маблагар қурилуш- монтаж ишлари боришига қараб бери- лди, яъни олган пулни тийингача ҳа- ражат қилдик. Илгарилари «ҳар эҳти- молга қўра» олинар ва бекор ётар эди. Бу сафар бундай бўлмади. Мана энди цех- нинг монтажини ҳам тутадик. Синов махсулотлари чиқара бошладик, масалан: ванна, раковина, сунъий мрамардан иш- танган қошлама плитқалар. Банк ҳолим- лари биринчилар қаторида махсулоти- мизни қўриб юксак баҳолашдан, ва шу сабабдан трубаларнинг нархи уч бара- бор қимматлашиши билан боғлиқ бўл- ган қўшимча кредит ажратишда биз ҳеч қандай тўсқинликка учрамадик. Бу йилга режалаштирилган қўрсатқич уч миладан сантехник буюмлар ишлаб чиқ- аришга эришсак, 12 млн. сўм соф фойда олиб қарзларимиздан тўлиқ қўтилишимиз.

«Ўздексонаноатбанк» томонидан жа- ми мажмуаларни қурилуш қўрилуш об- ъектларининг молиявий таъминоти рад қилинди /бу қашпал маблаглар умумий микдорининг 9,6 фойзини ташкил қилади/. Банк муҳандислар хизмати тек- ширитиришга қўра бажарилган иш-хиз- матлар 2,62 млн. сўмга қўйлатиб ёзил- ганлиги, шу жумладан ишларнинг ҳаж- ми қўшиб ёзилганлиги ва нарх-навоси оширилиш кўрсаткичларининг аниқланди. Текшириш ўлчовлар ўтказилган сўнг улардан 73таси бўйича йиғилган мате- риаллар прокуратура идораларига топ- ширилди.

Шундай қилиб саккиз миладан таъсисчи ва ҳисдорларнинг пул маблаглари те- жинхўрликка ўранган харомтомоқлар- дан асраб қолинди. «Ўздексонаноатбанк» жамғарма бозорда ўтказиладиган инвестицияга оид операцияларда фалот қатнашмоқда, му- омиладаги қимматбахо қозғаларнинг янги турларини ҳаракатта киритишни тақомиллаштиришга ва иштиёкман- дарни шартномалар тузишга жалб қил- моқда. Банк Ўзбекистон валюта биржа- си таъсисчиларидан бири, «Тошкент» республика жамағма биржасининг /РЖБ/ аъзосидир. Мазкур биржа қара- моғида 01-рақамли брокерлик идораси тузилган. Брокерлик идорасининг расмий рақ- амидан билверинг: «Ўздексонаноат- банк» қимматбахо қозғалар чиқаруви- нинг сифидан би- ринчи эмитент- лар қаторида биржадаги савдо- сотикла иштирок- этишга қўйилди, — дейди «Тош- кент» РЖБ бошқ- армасининг раи- си Игорь Бузи- ков. — Унинг «Вакс» акционер- лик жамияти- нинг Миллий де- позитари йида депо-хисоб рақамлари очилган.

Қимматбахо қозғалар бозорининг му- тахассислар тайёрлаш миллий маркази билан хизмат юзасидан муносабатлари- миз мустваккамляпти. Бу ерда қўши- на ёш мутахассисларимиз ўқиб чиқди ва ҳозир биринчи даражали малакали банк- ки сифатида фаолият қўрсатиляптилар. Банк «Тошкент» РЖБга савдо-сотикга акцияларнинг 20 фойзини ҳавола этди

«Ўздексонаноатбанк» томонидан жа- ми мажмуаларни қурилуш қўрилуш об- ъектларининг молиявий таъминоти рад қилинди /бу қашпал маблаглар умумий микдорининг 9,6 фойзини ташкил қилади/. Банк муҳандислар хизмати тек- ширитиришга қўра бажарилган иш-хиз- матлар 2,62 млн. сўмга қўйлатиб ёзил- ганлиги, шу жумладан ишларнинг ҳаж- ми қўшиб ёзилганлиги ва нарх-навоси оширилиш кўрсаткичларининг аниқланди. Текшириш ўлчовлар ўтказилган сўнг улардан 73таси бўйича йиғилган мате- риаллар прокуратура идораларига топ- ширилди. Шундай қилиб саккиз миладан таъсисчи ва ҳисдорларнинг пул маблаглари те- жинхўрликка ўранган харомтомоқлар- дан асраб қолинди. «Ўздексонаноатбанк» жамғарма бозорда ўтказиладиган инвестицияга оид операцияларда фалот қатнашмоқда, му- омиладаги қимматбахо қозғаларнинг янги турларини ҳаракатта киритишни тақомиллаштиришга ва иштиёкман- дарни шартномалар тузишга жалб қил- моқда. Банк Ўзбекистон валюта биржа- си таъсисчиларидан бири, «Тошкент» республика жамағма биржасининг /РЖБ/ аъзосидир. Мазкур биржа қара- моғида 01-рақамли брокерлик идораси тузилган. Брокерлик идорасининг расмий рақ- амидан билверинг: «Ўздексонаноат- банк» қимматбахо қозғалар чиқаруви- нинг сифидан би- ринчи эмитент- лар қаторида биржадаги савдо- сотикла иштирок- этишга қўйилди, — дейди «Тош- кент» РЖБ бошқ- армасининг раи- си Игорь Бузи- ков. — Унинг «Вакс» акционер- лик жамияти- нинг Миллий де- позитари йида депо-хисоб рақамлари очилган.

Сафар таассуротлари

ҲИЖОБДАГИ ҚИЗЛАР

Америка сафарига тайёрланар эканман, «Америкада ҳам ҳижобли қизни учратармиканман? Ё у ерда «олақарга» бўлиб қоламми?» деб ўйлардим. Оллоҳдан сабр-тоқат сўраб дово қилдим. Америка ҳақида тасаввурим тор эканлигини етиб боргач, мусулмонлар билан танишгач билдим. Мен билан мусулмон аёлларнинг барчаси ҳижобда юрар, ҳаётлари ҳам Исломон қондалари асосида экан.

Дунёнинг бошқа чеккасидаги мусулмонлар ҳаёти ҳақида ўқиш юртошларимиз учун ҳар қалай қизиқарли бўлса керак, деб ўйлайман. Ана шу мақсадда АҚШдаги мусулмонлар ҳақида мухтасар сўз айтмоққа қарор қилдим.

ИСЛОМ ДИНИ ТЎГАРАГИ

Халқаро алмашувдаги талабалар учун ўтказилган бир кечада покистонлик Фархон исмли киз билан учрашиб қолдим. У Мичиган университетидан бир гуруҳ мусулмонлар билан ўқишини, истасам

ратилган хонасида намоз ўқишди. Аммо бу билан уларни фақат намоз ўқиш, ҳижобда юриш билан машғул, деб бўлмади. Мусулмон бирдорларимиз орасида докторлар, журналистлар, ҳуқуқшунослар ва турли касб эгалари бор.

ТАКБИР!

Америкадаги бир йиллик ҳаётим умримнинг энг ёрқин бўлаги, деб ҳисобласам, Рамазон ойи, Муборак ҳайитни нишонлашни эса ана шу ёрқинликка қўшилган бир тўта нур дегим келди. Рамазон ойи ҳам, ҳайит ҳам матбуотда кенг ёритиб борилди, кутловлар бўлди. Мусул-

бошқа болаларга ҳам ҳайит тухфалари тайёрлашар экан. Биз қизлар эса қуръа ташлаб ким-қимга сова улашини келишиб олгандик. Турли ўйинлар ўйналди. Бунда, айниқса, ёш болаларнинг шувончи чексиз эди. Уйин шартлари Қуръони Каримдан сура ўқиш, диний кўшиқ айтишдан иборат.

Магнитофондан кўшиқ янгради. 7 ёшли қизчадан ана шу кўшиқда Оллоҳ номи неча марта зикр этилганини сўралди. Шартни тўғри бажаргани учун унга ўз ота-онаси ва умумий тайёрланган тухфалар берилди. Эракларнинг алоҳида хонада ўз ўйин,

билан бирга 1969-йилдан бери фаолият кўрсатиб келатган Шимолий Америка Мусулмонлар Кенгаши раисидир. Канада ва Шимолий Америка мусулмон ёшларини ҳам шу каби Кенгашлари мавжуд. Йилда бир марта ўтказиладиган бу Кенгаш йилгилишида улар профессорлар, имомлар маърузаларини тинглайдилар, ўзаро фикр алмашадилар. Қизлар, йигитлар алоҳида йилгилиб, ўзларини қизиқтирган масалаларни муҳокама қиладилар.

Кенгаш давомида Исломонга оид китоблар, видео, аудио кассеталар, жойномозлар, ҳижоблар сотилади. Шуни-

Набат ўйинга келгач, улар мендан ўйнашни сўрашди. «Сизлардақа чиroyли ўйнолмайман», десам, «Ўзингдақа ўйна, бўлмаса», дейишди. Сержило ўзбек рақси кимга ёқмаган, дейсиз? «Жозибали, бетакрор экан», дейишди.

Барчамиз биргаликда намоз ўқигандан сўнг, мезбон бизларни зериктирмаслик учун ўйин тайёрлаб қўйганини айтди. Биз 2 командага бўлингач, мезбон дин, шариат ва Қуръони Каримдан ҳам қизиқарли саволлар берди. Савол-жавоблар орасида «реклама танаффус»лар бўлди. Шулардан бирида мезбон меннинг иштирок этганимни сўради. Икки қиз арқонни 2 томонидан пастроқ қилиб ўтказиб турди. Мендан қўзим боғланган ҳолда шу арқондан сакраш сўралди, холос. «Шу-гинами?» деб сакрасам, ҳамма кулиб юборди. Қарасам... арқонни алақачон олиб қўйишган экан.

Мезбон Мунага телефон қилиб, ота-она фарзанд муносабатлари тўғрисида кичик маъруза тайёрлаб келишни илтимос қилган экан. Барчамиз давра қуриб ўтириб, Муқаддас Қуръон ва Ҳадиси Шарифга асосланиб ёзилган ушбу маърузани тингладик. Узини қизиқтирган саволларни ўртага ташлаб, муҳокама қилдик.

Очиги, бу тадбир-кеча менга жуда ёқди. Қаранг-а, қизлар ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, фикр алмашди, бирор нарсаи оналарига айта олмаётган бўлса, дунонасининг бош бўлиб келган онаси ёки мезбон билан маслаҳатлашди. Амалларини қанчалик тўғри-ноғри эканлигини билиб оlishди.

Мен АҚШ да мусулмонларни қўриб қанчалик қувонган бўлсам, улар ҳам мени Ҳадис илмининг сўлтони Исмоил Бухорий юртиданлигини билиб хурсандчиликдан кўзларига ёш билан «Шундай улуг юртданмисан?» деб тақбирлар айтишди. Юртимиздаги узғаришларни, динга берилган эркинликларни эшитиб Оллоҳга шукрлар айтишди.

Дилфуза ОЛИМЖОНОВА, Тошкент давлат юридик институтининг халқаро ҳуқуқий муносабатлар факультетининг талабаси.

СУРАТДА: мақола муаллифи (ўртада) Америкадаги муслима дугоналари билан.

БОҒДОДА ФАХРИЙЛАР БОҒИ

Ғалабаинг 50 йиллиги арафасида Боғдод туманидаги истиқомат қиляётган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари ўз боғларига эга бўлишди.

Бундан бир неча вақт муқаддам туман ҳокимлиги Ғалабаинг 50 йиллиги муносабати билан Охунбобоев номли жамоа ҳўжалиги худудида фахрийлар боғи ва оромгоҳи ташкил этиш ташаббуси билан чиққанди. Бу ташаббус шу йил январь ойида Фарғона вилоят ҳокимлиги томонидан маъқулланди ва вилоятнинг барча туманларида ана шундай боғ-роғлар ташкил этиш тавсия этилди.

Боғдоддаги боғнинг умумий майдони бир ярим гектар. Айни кунда қизғин меҳнат палласига киришилган. Майдондаги мавжуд боғнинг эски қисмини қайта таъмирлаш, қариялар хордик чиқариши учун турли соя-салқин масканлар барпо этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бунёд этилаётган фахрийлар боғидаги махсус бир майдончада урушда ҳалок бўлган боғдодликларнинг исми-шарифлари қайд этилган лавҳалар ўрнатилди.

Барпо этилаётган янги боғдаги бунёдкорлик ишларини 92-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари олиб боришяпти.

Олимжон ТОЖИЕВ, журналист.

АМЕРИКАЛИК МУСУЛМОНЛАР

Дилфуза Олимжонова 1993-1994 йилларда қайтган ўзбекистонлик 48 нафар ўқувчининг АҚШ ўрта мактабларида 12-синфини тугатиб бири.



улар билан таништириб қўйишни таклиф этди.

Дўстларим Муна, Сюзан, Жинан, Асма, Саралар АҚШ да тутилишган, ота-боболари турли мамлакатлардан келиб, бу ерда муқим яшаб қолишган. Уларнинг ўз дини, маданияти тилига ҳурмати ҳавас қилгулик даражада. Ўз она тили билан бир қаторда инглиз тилини сувадек билишадилар. Университетда ўз тўғарақлари фаолият кўрсатмоқда. Тўғарақ орқали улар талабаларга Ислом дини ҳақида тушунчалар бериб боришадилар.

Турли кўргазма, семинарлар ташкил қилишадилар. Дунёнинг турли мамлакатларидан профессорларни Ислом дини мавзусида маъруза қилишга таклиф этишадилар, диний китобларга буюртма беришадилар. Айтгандек, Америкадаги диний китобларнинг кўп қисми бошқа мамлакатлардан буюртма сифатида олиб келинади экан. Шу билан бирга, Американинг ўзида ҳам мусулмон актёрлар, журналистлар, умуман ҳаётнинг турли жаҳаларида хизмат қиляётган мусулмонлар ҳамда Ислом дини ҳақида китоблар нашр қилинади. Тўғарақ аъзолари ўз фаолиятларида ана шундай китоблар ва видео кассеталардан фойдаланишадилар. Намоз вақти бўлганда эса университетнинг махсус аж-

монлар ҳақида турли мақола-лар чоп этилиб, кўрсатувлар намойиш этилди. Муборак Ҳайит байрамида эса Детройт, Флинт мусулмонлари Ислом марказига йилгилик. Бу марказда турли йилгилар, тадбирлар ўтказилади. Ҳар яқшанба кичик ёшдаги болалар учун Ислом мактаби фаолият кўрсатади. Ҳайит байрами ҳам марказда нишонланади экан. Бироз ширинлик егач, ҳайит намоини ўқидик. Муборак байрамни АҚШ да мусулмонлар билан қутиб олганлигим, мустақиллик тўғрисида бир ерга келиб ўқишга имкон яратганлиги сабабли мени севинчдан кўзларимга ёш қуйиларди.

Ҳайит намоиндан сўнг байрам кўриклари бўлди. Унда ҳар бир оила ўз боласидан ташқари, имкон даражасида

нгдек, ундан «Мени диним — ИСЛОМ», «ИСЛОМ — ҳақ дин!», «Ай лав ИСЛАМ!» сўзлари билан футболчалар, свитшотлар ҳам харид қилиш мумкин.

Менинг кузатишимча, ушбу кенгашлар мусулмонларнинг илми, келажакдаги ишлари муваффақиятли бўлишига ёрдам беради, эътиқодини мустаҳкамлайди.

«ПИЖАМА КЕЧАСИ»

Америкада турли байрамлар, одатлар мавжуд. Шулардан бири «Пижамас кечаси», яъни тун бўйи энг яқин ўртоқлари билан ухламай гаплашиб чиқиш. Мени ушбу кечани Охайо штатидаги мусулмон дугоналарим таклиф этишди. Мичиган ва Охайо штати орасидаги йил 2-3 соатлик, Америкада маълум курсни битиргач, 16 ёшдан ҳайдовчилик гувоҳномаси берилди. Дугоналаримнинг ҳам бемалол машина ҳайдашни кўриб жуда ҳавасим келди. Хуллас, ҳамма бир жойга йилгилар, йўлга тушдик. Гаплашиб, магнитофон эшитиб келаятганимизда фаластинлик гуруҳнинг «Мухожирун» кўшиги янгради. Америкада турғилиб, яшаётган дўстларим кўзда ёш билан қўшиққа жўр бўлишди.

«АЙ ЛАВ ИСЛАМ» Дўстим Мунанинг даласи касалхонада врачлик қилиш

горлик» мажмуи кўпчилик эътиборини тортиши билан бирга миллий услубда, нақшларга бой, кўркам ва бежирим бўлиши керак. У келажакда хоржий сайёҳларнинг семвили зийратгоҳига айланиб қолса, ажабмас.

Яна бир гап, тантанани кунларига, соҳибқирон тасвири туширилган кўкрак нишонлари, чинни ликобчалар, лаганлар тайёрланади. Зиёратга келувчиларга, тантанани иштирокчиларига бу совғалар бепул инъом этилади.

Э. Жўраев, «Қашқадарё ҳақиқати» муҳбири.

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА АЖАБМАС, ЮБИЛЕЙ САБАБ, ХЎЖАИЛГОР ЧЕТ ЭЛЛИК САЙЁҲЛАР НАЗАРИГА ТУШСА

Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топан қишлоқ — Ҳўжайилголда унинг туғилган кунини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмақда.

— Туманимиздаги «Амир Темур жамғармаси»га бугунгача 400 минг сўмдан кўпроқ пул йилгилди. — дейди жамғарма раиси Б. Оқбосов. — Тадбиркор ва ишбилармонлар, нафақа ёшидаги қариялар, ҳаттоки ўқувчи ёшлар ҳам бобомиз хурматидан жамғармага ба-

қуриш учун 7 гектарга яқин ер майдони ажратилиб, дастлабки ишлар бошлаб юборилди.

Ёдгорлик мажмуида Амир Темурнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўзида муҳассам этувчи кўплаб катта-кичик павильонлар қурилади. Ана шу мақсадда республика архитекторлари ўртасида мажмуа лойиҳаси учун танлов эълон қилинди. Чунки «Ёд-

ЯНГИ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси бастакорлар уюмаси қошида миллий мусиқа тарғиб қилиш бўлими ошди. Бу даргоҳнинг асосий мақсади қорақалпоқ миллий мусиқа маданиятини сақлаш ва уни ривожлантиришдир.

— Бастакор, музикашунос,

драматург, шоир, бахши ва бошқа бадиий санъат соҳиблари билан учрашувлар, юбилей кечалари ўтказиш, музика меросини талқин ва тарғиб қилиш, концертлар, танлов ва фестиваллар уюштириш асосий вазифаларимиздир, — дейди марказ директори Нурман Мусаев. — Шунингдек, ноталарни китоб

ҳолида чиқариш, мусиқа асбоблари дўконини очиб, мусиқа ёши студияни ташкил қилишни ҳам эътибордан четда қолдирмаймиз.

Миллий мусиқани тарғиб қилиш маркази Қорақалпоғистон Республикаси маънавий маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшишига ишончимиз комил.

Муяссар ҚОБУЛОВА.

СИЗУ БИЗГА ЎХШАБ ЭМАС...

Январь ойидан бошлаб Ғиждвон туманидаги 52 та мактабнинг ҳар бирини биттадан 6 ёшлар 1-синфини ташкил этилди. Синфларга 25 нафардан бола жабб этилган бўлиб, улар савод чикаришни сизу бизга ўхшаб Қилишда эмас, лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосидан бошлашди.

Кичикойталарга лотин алифбоси мутахассислари даро беришмоқда. Сураатли қўлланмалар болалар билимини оширишга қўл келтириб. Энди бундай қўлланмалар, дарсчилар кўпроқ чиқарилиши зарур, дейишмоқда ўқитувчилар.

Машнон ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ҒАЛАБАГА БАҒИШЛАНАДИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилати Ғалабаинг 50 йиллигига бағишлаб ҳарбий санъат ва спорт турлари бўйича турал хил мусобақалар ўтказишга қарор қилди.

Ғалаба нишонланганидан кун арафасида пойтахтимизда ва республикамизнинг

турли шаҳарларида спорт тадбирлари уюштирилди. Юртдошларимиз авиамодельчилар, ракетамоделчилик, парашютчилар, автомобилчилар, мотоциклчилар ва бошқа турли хил ҳарбий спорт санъатини эгаллаган маҳоратли спорт усталарининг қизиқарли чиқишларининг гувоҳи бўлишди.

Шунингдек, «ватанпарвар»чилар шу кунлари замонавий спорт техникалари кўргазмасини ва Ўзбекистон йўллари бўйлаб агитавтомобил поёғасини уюштиришни режалаштиришган.

Р. ЭРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» муҳбири.

СУРАТЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Самарқанд ўзининг бетакрор қиёфаси билан азалдан кўплай ижодкорлар диққатини тортиб келган. Яқинда шаҳардаги Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейида очилган халқаро кўргазма ҳам ана шу қизиқини маҳсулидир.

Бу кўргазма шуниси билан эътиборлики, у Буюк Британиялик машҳур суратшун Том Антинг бир-бирдан чиroyли ва ранго-ранг икки юзтага яқин суратларида дийримизнинг та-

бияти, тошқин дарёлари, сервитор тоғ манзаралари, унинг шаҳар қишлоқлари ва энг муҳими оддий ва самимий қишлоқлари акс эттирилган.

Кўргазма Буюк Британиянинг «БАТ индустри» корпо-

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев.

• БУЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқлар 33-07-48; Қишлоқ ҳўжалиги 32-07-94; Иқтисодийёт 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Аxbорот 32-29-89; Тузи муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болнев. Навбатчи — Ҳ. Ҳайдовлов.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

